



УЮШМА КУНДАЛИГИ

Оролбўйи йиғинлари янада обод бўлади



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Кахрамон Куронбоев бошчилигида вазирлик ва идоралар вакилларида иборат Республика ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида ўрганишлар олиб бормоқда.

Масъуллар Чимбой, Қораўзақ ва Тахтақўпир туманларида бўлиб, “маҳалла еттичилиги” фаолияти, “Сайхунобод тажрибаси” асосида ишсиз аҳолини тадбиркорликка йўналтириш ва одамларни қийнаётган бошқа масалалар ечими бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди. Аниқланган муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилди, муддат талаб этадиганлари “йўл харитаси”га киритилди.

Бундан ташқари, туманларда янги ташкил этилаётган маҳалла сервис компаниялари бўйича белгиланган вазифалар ижроси кўриб чиқилди. Компанияларга берилган солиқ имтиёзлари, улар хизмат биноси ва асбоб-ускуналар билан бепул таъминланиши таъкидланди.

Ўрганиш ишлари давом этмоқда.

ЯНГИЛИК

“Рақамли маҳалла” платформаси ишга тушди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “Рақамли маҳалла” электрон платформаси ишга тушганини маълум қилди. Айтиш керакки, янги тизим барча маълумотларни битта платформада тўплаш, қўғозбозликка чек қўйиш, аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради.

Хўш, маҳаллани рақамлаштириш нега керак? Бунга қандай зарурат туғилмоқда? Келинг, дастлаб шу ҳақда икки оғиз...

Ҳозирда ходимларнинг ҳар бири ўз йўналишида турли платформалардан фойдаланаётгани боис айрим ҳолларда маълумотлар бир-бирига тўғри келмай қолади. Маҳалла раисидан ҳудудга оид қандайдир маълумот сўрасангиз, йўналишга оид “еттилик” вакилидан сўраб-суриштириб юришга мажбур. Шунингдек, афсуски, ҳали-ҳамон турли жадвалларни тўлдиришу қўғозбозлик ҳолатлари учраб турибди.

Демак, қўғозбозликка чек қўйилмас, маълумотлар битта тизимда жамланмас экан, маҳаллани аҳолига яқинлаштиришнинг илоҳи бўлмайди. Шунинг бирдан-бир ечими — рақамлаштириш.



Давоми 3-саҳифада.

НУҚТАИ НАЗАР

РАИС ҲУҚУҚИНИ БИЛСА, ТАРТИБНИ ҲАМ ЎРНАТАДИ

Маҳалла тизимидаги ўзгаришлардан мамнунмиз. Боян авваллари маҳалла ходимларига, ҳатто раисга ишбатан ҳам айрим одамлар орасида менсимаслик, кўл учиде кўрсатиш ҳолатлари учраб турарди. Нега? Чунки раисда амалда ваколат йўқ эди, ёрдам сўраб келганга маҳалла ўз ҳисобидан кўмак кўрсата олмасди, ҳомийларга, ҳокимликка кўз тикардик...

Шукурки, ҳозир вазият ўзгарди. Маҳалланинг молиявий мустақиллиги яратилди, ижтимоий ёрдамларни шу ернинг ўзида ҳал этиш ваколати берилди. Шунга кўра, мақтаниш бўлмасин, одамларнинг бизга нисбатан муносабати, фикри ижобий томонга ўзгарган. Раисни, маҳалла ходимларини ўз дардига дармон бўлувчи, муаммоларига ечим толувчи инсонлар сифатида кўрмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

МАНЗАРА



Иزلаниш ва ташаббус — давр талаб этаётган мезонлардир

Давлатимиз раҳбарининг 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига таърифининг юртдошларимиз қатта маънуният билан кутиб олди. Айниқса, “Юксалиш” маҳалласидаги учрашув, маҳалла ҳаёти билан танишув кўҳна кишлоққа янги ҳаёт нафасини олиб келди, аҳоли кайфияти, руҳиятини кўтарди.

Хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган маҳалламизда 3 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. 560 дан ортиқ хонадоннинг барчасида томорқа, ўндан ортиқ иссиқхона бор. Баъзи оилалар ёғоч уймакорлиги, темирчилик, қаштачилик билан шуғулланади. Бугунги кунда маҳаллада тадбиркорлик субъектлари сони йигирматадан ошди. Мактаб, боғча ва поликлиника бор. Уларда ҳудуд аҳолисининг бир қисми доимий иш билан банд.

Давоми 3-саҳифада.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Камбағалликни қисқартириш янги босқичда давом этади

Президент Шавкат Мирзиёев 14 август кунги камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш чоратадбирларига оид тақдимот билан танишди. Айтиш керакки, тақдимотда “маҳалла еттичилиги” зуммасига қатор вазифалар юклатилди, камбағалликни қисқартириш маҳалла даражасида янгила ёндашув асосида амалга оширилади.

Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида камбағалликни қисқартириш босқичидан ўтади. Ўзбекистон 2020 йилда аҳолининг муайян қисми камбағал эканини тан олиб, уларга мадад беришга киришди. Молиявий-ташқилий чоралар кўрилиб, тизим жорий қилинди. Бу ўз



самарасини бериб, узоқ йиллар оғир вазиятда бўлган 3 миллиондан зиёд юртдошимизнинг шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди. Келгуси

уч йилда камбағаллик даражасини 11 фоиздан 7 фоизга қисқартириш мақсад қилинган.

Давоми 2-саҳифада.

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯҒОНА ХАЛҚМИЗ,
БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ бўлиб ўтди.



Президент криптология соҳасида таълим ва илм-фанни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорни имзолади.



Хукумат қарори билан Интеллектуал мулк объектларида давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ тасдиқланди.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ янги босқичда давом этади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бироқ ҳозиргача амалда бўлган тизим билан натижадорликни ошириш қийин. Камбағал оилани танлашда аниқлик, уларни бу ҳолатдан олиб чиқиш ва маблағ ажратишда яхлитлик етишмайди. Шу йил 12 июль куни Фарғона вилоятида ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борада янгича ёндашувлар кераклиги, энди камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя бир тизимда бўлишини айтган эди.

Ҳўш, бу тизим қандай ишлайди? Ушбу икки соҳани мутаносиб ривожлантириш бўйича қандай таклифлар ўртага ташланяпти?

Биринчидан, таҳсиллардан келиб чиқиб, камбағалликни аниқлаш мезонлари ва манзилли рўйхати шакллантирилади. Жумладан, унга "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"даги ҳамда камбағалликка тушиш хавфи юқори бўлганлар киритилади. Бундай оилаларни "маҳалла еттилик" ва фаоллари овоз бериш йўли билан тасдиқлайди. Камбағалликдан чиқаришга қаратилган барча ижтимоий хизмат ва ёрдамларни "Инсон" марказлари амалга оширади.

Иккинчидан, камбағаллик омиллари учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалаларида 8 та йўналишда ягона саволнома ишлаб чиқилади. Шу асосида оилаларнинг имкониятлари баҳолашиб, 3 та тоифага ажратилади: "қизил" — оғир вазиятдан чиқиб кетиш имконияти паст; меҳнат қилолмайдиганлар — доимий ёрдамга

муҳтож бўлганлар; "сарик" — оғир шароитдаги оилалар: камбағалликдан чиқиш учун тизимлаштирилган ижтимоий ёрдам ҳамда хизматлар кўрсатилиб, оила учун янги имкониятлар яратилади;

"яшил" — камбағалликка тушиш хавфи бўлган оилалар: уларнинг ижтимоий муаммолари бартараф этилиб, оилаларнинг даромадини ошириш бўйича чоралар кўрилади.

Учинчидан, оилани камбағалликдан чиқариш режасини ишлаб чиқишда бир вақтнинг ўзida соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва бошқа турдаги хизматлар тақлиф этилади. Энг муҳими — камбағалликка тушиб қолган оилани тушқунликдан чиқариш, хулқ-ахлоқини ўзгартириш, уни ҳаракатга ундаш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади. Умуман олганда, ҳар бир оилга яккама-якка ёндашилиб, "ёёққа туриши"га қўмақлашилади.

Тўртинчидан, камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати шакллантирилади. Ҳар йили 50 та маҳалла танлаб олиниб, уларга камида 500 миллиард сўм комплекс чора-тадбирлар режасини амалга ошириш учун инвестиция дастури доирасида маблағлар ажратилади. Алоҳида ёндашув асосида инфратузилма ва тадбиркорликни ривожлантириш, лидер тадбиркорларни жалб қилиш, бу ерда банклар ёрдамида кичик лойиҳаларни амалга ошириб, маҳалла камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланатирилади. Бу жараёнда камбағал оилалар улуши, иш-



сизлик даражаси ҳамда мигрантлар улуши юқори бўлган маҳаллаларга биринчи навбатда эътибор қаратилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН: ҳозирда 1000 та маҳаллада камбағаллик улуши мамлакат даражасидан икки баробар кўп (22-35 фоиз). 107 та маҳаллада ишсизлик даражаси 6,8 фоиздан, 169 та маҳаллада хорижда ишлашга кетганлар улуши 9 фоиздан юқорини ташкил этади.

Бугунги кунда ҳоким ёрдамчиларига 20 дан орტიқ вазифа юклатилган. Шу боис камбағалликни қисқартириш масаласи иккиламчи даражага тушиб қолган. Энди ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, асосий эътибор камбағалликни қисқартириш ва улар бандлигини таъминлашга қаратилади.

Умуман олганда, охириги йилларда тўпланган тажриба ва одамларнинг эҳтиёжидан хулоса қилиб, камбағалликни қисқартириш янги босқичга олиб чиқилади. Эҳтиёжманд инсонларнинг хоҳиши ва имкониятини қўллаб-қувватлаб, ҳаётга, жамиятга олиб кириш чоралари кучайтирилади. Ҳар қандай ижтимоий ёрдам пировардида бандликка боғланади. Бу жараёнда ижтимоий қўмақларнинг манзиллилиги ва шаффофлиги таъминланади, бандлик ва кичик тадбиркорлик ривожлантирилади.

Санжар ИСМАТОВ.

“12-76”: ҲАР ҚАНДАЙ МУРОЖААТ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси аҳолининг ҳар қандай мурожаатларини қабул қилувчи қисқа “12-76” Ишонч телефонини ишга туширди.

“Call-markaz” фаолияти 24/7 иш тартибда, байрам ёки дам олиш кунларисиз мурожаатларни қабул қилади. Марказга келиб тушган ҳар битта мурожаат ўз вақтида, тўлиқ ва қонун талаблари ҳамда ваколатлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Устави, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимларининг

йўналтирилади, ҳолатга қараб муддат белгиланади.

Айтиш керакки, “Call-markaz” операторларининг маҳалла институтини йўналишидаги билим ва малакасини ошириш бўйича мутахассислар иштирокида ўқув-семинари ташкил этилди. Унда маҳалла, фуқаролар йиғини кенгаши ва маҳалла раисининг вазифалари ҳамда ваколатлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Устави, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимларининг

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Устави, Уюшманинг вазифалари ҳамда ваколатлари каби турли масалалар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг қисқа “12-76” Ишонч телефони маҳалла ҳаёти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ва умуман, жамиятдаги ҳар қандай масала бўйича мурожаатларни қабул қилишга шай!

Мурожаат қилинг ва муаммога ечим топинг!

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Байрам шукуҳи олис қишлоқларгача кириб боради



Айни кунларда барча маҳаллаларда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанимиз” шiori остида тарғибот тадбирлари, учрашувлар, турли таълиқлар, спорт мусобақалари ташкил этиляпти.

Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалъа туманидаги энг олис ҳудуд — “Чуқурқоқ” маҳалласида аҳоли мурожаатлари тингланди. Ҳар бир мурожаат, тақлиф ва муаммо назардан четда қолмади. Учрашув сўнггида ҳудуд ёшларига китоблар, ўқув қуроллари, мактаб формалари ва спорт анжонлари совға қилинди.

Шу кун ҳудудда арзонлаштирилган савдо ярмаркаси ташкил қилинди. Маҳалла аҳолиси халқ эҳтиёжи учун зарур мактаб кийимлари, озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имкониятига эга бўлди. Аҳоли кўриқдан ўтказилиб, зарур тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда маҳаллада кўпгина

ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Овулдаги кам таъминланган 6 та хонадонга, мактабгача таълим муассасаси, овул шиқоркорлик пунктига куёш панели ўрнатиб берилди. Туман марказига қатнаш учун автобус қатнови йўлга қўйилди. Шунингдек, болалар учун янги “Workout” майдончаси қуриб битказилди. Кадастри йўқ хонадонларга ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ички йўллар таъмирланиб, янги мактаб фойдаланишга топширилди.

Навоий вилояти марказидан қарийб 110 километр узоқликда жойлашган Нурота туманидаги “Бўстон” маҳал-

ласида 6 та қишлоқ мавжуд бўлиб, 2 800 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

— Маҳаллаимиз янги ташкил этилган маҳаллалардан бири бўлиб, йиғин идораси учун мактаб биносидан хона ажратилган эди, — дейди “Бўстон” маҳалласи раиси **Эшмуҳаммад Сафоев**. — Ўтган йили барча қулайликка эга янги бино қуриб берилди. Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида ҳудуддаги 16- ва 29-умумтаълим мактабларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 4,7 километр узунликдаги тупроқ кўчаларга шағал тўкилди, 2 километри асфальт қилинди. Шу кунга қадар аҳоли тик қудуқлар ва тоқдаги булоқлардан сув ичар эди. Илк бор тоза ичимлик сув келтирилди.

Айтиш керакки, туман марказидан 50 километр узоқликда жойлашган Анна қишлоғи аҳолиси ҳар доим ҳам концерт ва байрамларга боришга имкон тополмайди. Шу маънода байрам тадбири қишлоқ аҳлини бир жойга тўплаб, кайфиятини янада кўтарди.

Фарғона вилояти Риштон тумани қўшни Қирғизистон

билан чегарадош. Туманнинг “Чўнғара” маҳалласи эксклав ҳудуд саналади, у Қирғизистон “ичида” жойлашган.

— Кейинги икки йилда ҳудудимизда катта ўзгаришлар бўлди, — дейди “Чўнғара” маҳалласи раиси **Рустамжон Бойназаров**. — Илгари бирорта болалар боғчаси йўқ эди. Ўтган йили 120 ўринли давлат боғчаси қуриб берилди. Шунингдек, оилавий шиқоркорлик пункти очилиб, унга бир нафар врач ва 10 нафар тиббий ходим бириктирилди. Замонавий русумдаги “Тез ёрдам” машинаси берилди. Қолаверса, жорий йилда 3 километр масофадаги ички йўллар асфальт қилиниб, 1,2 километр йўл бетонлаштирилди. Электр тармоғи учун 265 та бетон таянч устун ўрнатилди, 6 километр масофада кабелъ тортилди. Натيجида қишлоқ янада чиroy очиб, одамлар турмуш даражаси бирмунча яхшиланди. Бу каби ўзгаришлардан аҳоли миннатдор.

Айни кунларда барча маҳаллаларда бўлгани каби “Чўнғара”да ҳам байрам тадбирлари уюштириляпти. Сайиллар ташкил этилиб, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришига замин ҳозирланган.

НУҚТАИ НАЗАР

РАИС ХУҚУҚИНИ БИЛСА, ТАРТИБНИ ҲАМ ЎРНАТАДИ”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Асия НАЗАРОВА, Тўрткўл туманидаги “Истиқлол” маҳалласи раиси.

“Mahalla” газетаси орқали йиғин раисларининг таклифлари, фикрлари бериб бориляпти, муаммолар ҳақида сўз юритиляпти. Очиғи, айрим ҳолларда раисларнинг “еттилик” вакиллари ишлата олмагани, уларни назорат қилиш имконсиз бўлаётгани ҳақидаги фикрларини ўқиб, ҳайрон қоламан. Ўйлашмича, маҳалла раиси ўзининг ваколатларини тўла англаб етса, қонуний ҳуқуқларидан фойдаланишни билса, ишда ва жамоада тартибни ўрната олади. Майли, ходимлар бошқа-бошқа ташкилотларга бўйсунсин, ҳисобот берсин, бироқ уларнинг ҳаммасини бир нуқта — маҳалла бирлаштириб турибдику. Маҳаллани эса раис бошқаради, шундай экан, ходимларни назорат қилиш-қилмаслик айнан раисларнинг ўзига боғлиқ, деб ўйлайман.

Мени яна бир нарса ташвишга солади: аксарият одамлар қонунлардан кўрқмайди. Ваҳоланки, биз ёшлигимизда маҳалла оксоқоли танбех берса, қонун билан кўрқитса, кўрқардик. Жазосизлик, айрим ўринларда жазонинг енгиллиги қонунни бузишга туртки бўляпти, чамамда. Мисол учун, маҳалла ҳудудида белгиланмаган жойга чиқинди ташлаш “урф” бўлган. Бир-икки марта танбех берган билан иш битмайди. Ёки бўлмаса, ашаш ҳудудида тезлик меъёри белгиланган бўлса-да, айримлар бу қоидага амал қилмайди. Демак, бундай шахсларни каттароқ миқдорда жаримага тортиш керакки, бу чўнтагига зарар қилсин. Эртага уйдан чиқаётганда тўлаган жарималари кўз олдида гавдалансин. Шундагина қонунга риоя қила оламиз.

Ўзим раҳбарлик қилаётан маҳалла ҳақида тўхталсам, янги маҳалла биноси қуриб берилишини кутаямиз. Ҳудудда аҳоли жуда зич ашайди, бўш ернинг ўзи йўқ. Шу боис бино қуриш мушкул бўляпти. Маҳаллаимиз ажралиш ва жинойatchилик масаласида “яшил” тоифада. Ўтган йили ва жорий йилнинг ўтган даврида бирорта оила ажрашмади, жинойат содир бўлмади. 18 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, оилавий ажралишларга, асосан, молиявий масалалар, етишмовчилик, йўқчилик сабаб бўляпти. Ўғлимизни ўйлантиришга шошяпмизу, унинг эртага оилани эплаши, рўзгорни юрита олишини ҳисобга олмаямиз. Аксарият ёшларнинг қўлида бирорта касби йўқ, ўқимаган, оқибатда ишсиз юраверади.

Кузатсангиз, бугун кўпгина оилаларда оналар назоратни қўлга олган. Эракаларнинг оиладаги ўрни йўқолиб борапти. Нега? Сабаблар яна ўша молиявий жиҳатга бориб тақалади: уйда етарли шароитни қилиб қўймаган, рўзгорнинг кам-кўстини бутламаган, оталик бурчини унутиб қўяётган эркакни аёли хурмат қиладими? Айниқса, шундан сўнг, аёлнинг ўзи ишласа, пул топса, рўзгорни юритса, “эрни нима қиламан, иккита болани ўзим эплаб оламан”, деган қараш шаклланиб боради. Оилага дарз кетади...


Шу билан ҳаммаси тугайдими? Афсуски, йўқ! Икки ўртада болалар жабр чеккани қолади. Оғриқлиси, бу ажралиш эртага болаларнинг ҳаётига салбий таъсир кўрсатишда давом этади: ўқиши, ериш-туришини назорат қилиш сусаяди, енгил ҳаётга ўрганиб боради, онанинг уларни тергаб туришга вақти бўлмайди. Демак, оила қуришдан олдин, биринчи навбатда, йигитлар бирор хунарли, касб-корли бўлсин, эртага оилани мустақил идора қила олсин, рўзгорни бутласин! Зеро, ажралишлар таҳлили бундай ҳолат кўпинча ўзига тўқ оилаларда эмас, айнан етишмовчилик доимий муаммо бўлган хонадонларда кўпроқ кузатиляётганини кўрсатмоқда.



Сенат
“Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
тўғрисида”ги ҚОНУННИ
МАЎҚУЛЛАДИ.



Сенаторлар
100 дан ортиқ
қонунчилик ҳужжатини
ўзида жамлаган
ТАДБИРКОРЛИК
КОДЕКСИНИ қабул қилди.



Давлат фуқаролик
хизматини ташкил
этиш тизимини
такомиллаштиришга доир
ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ
лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Mahalla

№48 | 2024 йил 17 АВГУСТ, ШАНБА

3

МАНЗАРА



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Сайфуддин ҲАКИМОВ,
Боғдод туманидаги
“Юксалиш” маҳалласи раиси.

Барча хонадонлар зарур инфратузилма билан таъминланган. Жорий йилнинг шу кунига қадар 600 метрдан ортиқ ички йўллар асфальтланди, 500 метр электр кабель симлари алмаштирилди, 3 та трансформатор ўрнатилган. 94 нафар ишсиз аҳоли ишга жойлаштирилиб, 164 нафари ўзини

ўзи банд қилган ва 4 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Дарҳақиқат, маҳалламиз одамлари меҳнаткаш ва тадбиркор. Мисол учун, оддий уй бекаси Гулнора Усмоновани бугун нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши танийди. Унинг сайй-ҳаракати билан ташкил этилган “Гулнора Матқулобод бодомлари” ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Шу қисқа вақтда “Юксалиш” билан бирга, “Матқулобод”, “Чек Хитой”, “Чек сарой”, “Бордон”, “Чектуво-

док”, “Қирқволида” каби маҳалла-лардаги мингдан ортиқ хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Президентимиз бевосита корхона фаолияти билан танишганди. Ишчилар билан самимий, қадрдонлардек очиқ суҳбат қуриб, уларнинг ҳаёт тарзи, иш-амаллари билан қизиқди. Ҳар бир ходимни эътибор билан тинглаб, кўплаб маслаҳатлар, ўринли таклифлар берди. Қувонарлиси, Президентимиз келиб кетганидан буён корхонада иш унумдорлиги янада ошди, хонадонга, ишхонага

узок-яқиндан келган меҳмонларнинг қадами узилгани йўқ. Тараққиёт ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмади. Ташаббускорлик, изланиш, албатта, жуда зарур. Мазкур маҳалладаги ўзгаришлар одамларнинг ҳаракати билан бўлди. Бугун қишлоққа саноат кириб келди, аҳолининг яшаш шароити яхшиланди, дунёқараши кенгайди. Равон, ёруғ кўчалар, замонавий уй-жойларнинг бугунги кўриниши “Юксалиш”да катта юксалишлар бўлаётганидан дарак бериб турибди.

Яна бир жиҳат: маҳаллада янги “драйвер” йўналиш сифатида паррандачилик йўлга қўйилди. Хозирда 28 та хонадонда камида 800 тадан 3 мингтагача жўжа боқилляпти. Мисол учун, маҳалладошимиз Валижон Ҳалилов ўз хонадонига бириктирилган лидер тадбиркор ҳар мавсумда 1000 бош жўжаларни етказиб беради, зарур озуқалар билан таъмин-

лайди. Тайёр маҳсулотни шу ернинг ўзида харид қилиб олади. Жўжалар 45 кунда етилади. Бир мавсумнинг ўзида 2 200 килограммдан ортиқ маҳсулот олиш имконияти бор.

Маҳалла инфратузилмаси яхшиланди, кўчалар обод, хонадонлар саранжом-саришта. Маҳалла марказида ҳуқуқ-тартибот идораси, чиқинди йиғиш пункти барпо этилган. Шу йил 25 июнь кунини давлатимиз раҳбари ҳузурда ўтган йиғилишда маҳаллаларда сервис компанияси ташкил қилиш чоралари белгиланган эди. Шу асосда бу ерда республикада тажриба тариқасида “Юксалиш” маҳалла сервис компанияси” иш бошланган.

Абдурашид Сирожиiddинов раҳбарлик қилаётган компания Бағдод туманидаги 5 та маҳаллага 24 та йўналишдаги хизмат турларини кўрсатади. 24 соатлик иш йўлга қўйилган. Ходимлар 2 мил-

лион 200 минг сўм ойлик маош билан таъминланган. Қўшимча равишда уларга буюртмачи тўлаган маблағнинг 70 фоизи берилади. Йигирмадан зиёд юк ташиш ва махсус транспортлар, таъмирлаш анжомлари эл хизматиди. Тўловларни ундиришда “Менинг уйим” электрон дастуридан фойдаланилади.

Умуман олганда, “Юксалиш” маҳалласи вилоятнинг энг обод ва ишсизликдан холи ҳудуди сифатида доврақ қозонмоқда. Ким билан гаплашсангиз, Юртбошимизнинг маҳаллага ташрифидан руҳлангани, чекка қишлоқлар кундан-кунга ободликка юз тутаетганини фохр билан таъкидлайди. Бугун маҳалладаги ўзгариш ва янгиланишларни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлганларнинг қадами узилгани йўқ. Барча вилоятлардан “маҳалла еттилиги” вакиллари, сервис компаниялари раҳбарлари келиб, тажриба алмашиб кетяпти.

“Рақамли маҳалла” платформаси ишга тушди



Санжар ИСМАТОВ.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

РАҚАМЛАШТИРИШНИ НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАК?

Президент қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”га асосан, маҳаллада рақамлаштириш бир неча босқичда амалга оширилади. Юқорида қайд этганимиз — “Рақамли маҳалла” платформаси биринчи босқич доирасида соҳага оид барча маълумотларни ўзида жамлаган

тизим сифатида ишга тушди.

Мазкур платформа маҳалла ходимлари алоҳида юритаётган тарқоқ платформаларни ўзида бирлаштирди. Хозирда ушбу тизим 9 452 та маҳаллада татбиқ этилди. Унга 9 миллион 837 мингта оила, 35 миллион 278 минг 16 нафар фуқаро ҳақидаги маълумотлар киритилди. Шу билан бирга, эндиликда “Маҳалла баланси”, “маҳалла еттилиги”, маҳалла сўровлари, аҳоли бандлиги, саломатлиги, “Омбор дафтари”, ижтимоий объектлар, томорқалар ҳақидаги маълумотлар ягона платформада бирлаштирилди.

ПЛАТФОРМА ИМКОНияТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИМИ?

Албатта, энг аввало, 1 октябргача “маҳалла еттилиги” аниқлаган муаммолар бўйича буюртмалар шакллантириш, уларни тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга йўналтириш имконини берувчи “Ягона саволнома” модули ишга туширилади. «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» платформалари ўзаро интеграция қилиниши натижасида ижтимоий ёрдамларни кўрсатиш ва назорат қилиш имконияти яратилади.

Йиғилишлар, тадбирлар, сўровно-

малар ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни қоғоз шаклида юриштиш талаби бекор қилиниб, тўпланаётган, бироқ давлат органида мавжуд маълумотлар (паспорт, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси каби) хатловдан ўтказилади. Бу маълумотлар автоматик шакллантирилади. Қолаверса, кредит ва субсидия ажратиш жараёнлари рақамли шаклга ўтказилади. Хизмат кўрсатиш жараёнида фуқаролар планшет орқали биометрик маълумотларни солиштириш (бармоқ изи, Face-ID ёки бошқа) тизими воситасида идентификация қилинади.

КАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ?

Маҳаллага рақамлаштириш кириб келса, бу нафақат “маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали қилади, балки оддий одамларга қатор қулайликларни яратади. Мисол учун, оддийгина кредит олиш учун бир тўплам ҳужжат кўтариб, банкма-банк сарсон бўлиб юришга ҳожат қолмайди. Фуқаронинг маълумотлари, даромади, кредитни қайтариш имконияти онлайн тарзда, ўзаро интеграция қилинган платформалар орқали автоматик шакллантирилади.

Умуман олганда, маҳаллани рақамлаштиришдан ҳамма ютади: давлат тизимидаги шаффофликни кўриб туради, керак бўлса, қўшимча қулайликлар яратади; маҳалла ходимлари ортқича қозғозликдан қутилади, иш самарадорлиги ортади; одамлар ижтимоий ёрдам ва хизматларни маҳалладан чиқмай олиш имконига эга бўлади. Пиравардида рақамлаштириш орқали халқ розилигига эришилади.

ЯНГИ ҚОНУН

тараф этилганга бўлса, унинг амал қилиш мuddати 1 йилгача узайтирилади.

Ҳужжатда болаларни тарбиялаш жараёнида уларни жисмоний жазолаш алоҳида тақиқланган. Биринчи марта зўравонлик хавфи остида бўлган болаларнинг 12 тоифаси (етимлик, қаровсиз болалар, ақли заиф болалар, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланувчи болалар, таълим ва тарбия талабларига жавоб бермайдиган шароитларда бўлган болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари) аниқ белгиланди. Зўравонлик шаклларига берилган таърифлар сони 3 тадан (жисмоний, жинсий, руҳий) 6 тага (ғамхўрлик қилмаслик, эксплуатация, буллине) оширилди.

Тарбияда болани жисмоний жазолаш тақиқланди

Олий Мажлис Сенати
“Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида жимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни маъқуллади.



Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кўпайган, амалдаги ҳуқуқий тизими етарли даражада самарали эмас. Агар 2021 йилда болаларга нисбатан 1 831 та жиноят содир этилган бўлса,

2022 йилда бу кўрсаткич 20 фоизга ошиб, 2 194 тага етди. Ушбу даврда боланинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар сони 334 тадан 395 тага ошди. Бундай жиноятларнинг аксари яти Фарғона (719), Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қайд этилган.

Сўнги уч йилда 2 000 нафардан ортиқ фуқаро суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди, шундан 86 фоиз ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка тортилди. Янги қонун билан зўравонликдан жабр кўрган болаларга жимоя ордерини бериш тартиби белгиланди. Уни ички ишлар органлари 30 кунгача мuddатга беради. Агар таҳдид ҳали бар-

ЖАРАЁН

“Еттилик” ва аҳолининг спорт маҳорати синалади

Жорий йилнинг 15-25-август кунлари 30-70 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолидан спорт синовларини қабул қилинади.



Аҳолининг жисмоний қобилият ва ҳаракат фаолиятини аниқлаш мақсадида Спорт вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида август-сентябрь ойларда барча туман ва шаҳарларда 30-70 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли ҳамда маҳалла тизими ходимларидан ихтиёрий ва махсус талаблар бўйича “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари қабул қилинади.

Спорт синовлари тезлик, куч, чидамлик ва эгилувчанлик спорт сифатларини аниқлашга қаратилган мезонлар бўйича амалга оширилади. 14 августгача маҳаллаларда унинг тарғиботига бағишланган тадбирлар уюштирилди. Эндиликда 15-25 август кунлари иштирокчилар “my.sport.uz” платформасида рўйхатга олиниб, тиббий кўрикдан ўтказилади. Бадантарбия машқлари амалга оширилиб, спорт синовлари қабул қилинади. Натижалар “adm.sport.uz” платформасига киритилади. 26-30 август кунлари спорт синовлари натижалари таҳлил қилиниб, ғолиб ва совриндорлар аниқланади. Сентябрь ойи давомида улар тақдирланади.



Спорт синовларини топишириш истагидаги ҳамюртларимиз “my.sport.uz” платформасидан рўйхатдан ўтиб, ўзлари истиқомат қилаётган туман (шаҳар) даги спорт мактабига ёки маҳалласидаги спорт объектига ташриф буюрган ҳолда, синовларни топишириш мумкин.



ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР
ОЛИМПИАДАСИДА
ўқувчиларимиз 3 тадан
олтин ва кумуш медалга
сазовор бўлди.



Истеъмол қилинган
электр энергияси
ҳисобини кузатиб бориш
имконини берувчи
“HET BILLING” мобиль
илоvasи ишга туширилди.



Ўзбекистон
Ташқи ишлар
вазирлиги КОНСУЛЛИК
ХИЗМАТЛАРИНИ
КЎРСАТИШ бўйича
сервисни ишга туширди.

Кредит мақсадсиз ишлатилса...

Нилуфар ИСҲОҚОВА.
Юнусобод туманидаги
“Собиробод” маҳалласи:
— Ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси
асосида олинган кредитдан
мақсадсиз ишлатилган ҳолатлар
аниқлаганда қандай чора
кўрилади?

Шерзод ОТАЖОНОВ,
Маҳаллабай ишлаш ва
тадбиркорликни ривожлантириш
агентлиги мутахассиси:
— Қонунчиликка кўра, оилавий
тадбиркорликни ривожлантириш
дастурлари доирасидаги
кредитлар, Бандликка
кўмаклашиш давлат жамғармаси
ва Жамоат ишлари жамғармаси,
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва
томорқа ер эгаларини қўллаб-

қувватлаш жамғармаси, “Аёллар
дафтари” жамғармаси ҳисобидан
тадбиркорлик фаолиятини йўлга
қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш
ва иш билан таъминлаш учун
бериладиган субсидиялар ҳоким
ёрдамчиларининг тавсияси
асосида ажратилади.
Агар кредит маблағи
мақсадсиз ишлатилгани
аниқланса, ҳоким ёрдамчиси,

маҳалла вакиллари иштирокида
далолатнома тузилади ва хизмат
кўрсатувчи банкка тақдим
этилади. Ўз навбатида, банк
мақсадсиз ишлатилган кредитни
муддатидан олдин ундириш
чорасини кўради. Шунингдек,
аввал олинган кредитдан
мақсадсиз фойдаланган
бўлсангиз, дастур орқали янги
кредит ажратилишига рухсат
этилмайди.



ТАКЛИФ, ТАШАББУС, НАТИЖА

КУН САВОЛИ

Ер билан боғлиқ лойиҳалар ижроси тўхтаб қолмоқда



Маҳаллада яшовчи Сунпатулла Акрамовнинг яқиниғача
паронти отир эди. Имтиёзли кредит ҳисобига томорқасида
3 сотихли иссиқхона ташкил этди, чорвачилик,
паррандачиликни йўлга қўйди. Бугун хонадонига кирган
кишининг баҳри дили очилди.



Ҳасан ОЛИМОВ,
Тойлоқ туманидаги “Жумабозор”
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Бир қарич бўш ер учратмайсиз.
Помидор, бодринг, қарам
каби полиз маҳсулотлари ва
кўчатлар етиштиради. Йил
давомида 3 марта ҳосил олиб,
100-120 миллион сўм фойда
кўрмоқда. Бозордан пиёз, картошка
ва бошқа полиз маҳсулотларини
сотиб олмайди. Аксинча, рўзғордан
ортганини бозорга чиқаради. Тинмай
меҳнат қилиши баъзи бамайлихотир
қўшниларига намуна ва туртки бўлди.
Бугун маҳаллада яшовчилар қўшни
қўшиндан ўрناк олади, деган тамойилга
амал қилиб, томорқа еридан унумли
фойдаланишни йўлга қўйган.
Фаолиятимда тадбиркорликни
ривожлантириш орқали янги иш
ўринлари яратиш, камбағалликни
қисқартиришга ҳаракат қиялман.
Ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириб,
субсидия ва кредит ажратиш эвазига
бандлиги таъминланмоқда.
“Аёллар дафтари”даги 12 нафар
хотин-қиз ишли бўлди. Бир нафарига
имтиёзли кредит ажратдик. Натижада
бу фуқаро тикувчилик йўналишида
ўзини ўзи банд қилди. Жорий йилда 4
та юридик корхона ташкил этилди. Йил
охиригача режамиз — “Аёллар дафтари”да
рўйхатда турган 38 нафар хотин-қизнинг
бандлигини таъминлаш.

Икки нафар ногиронлиги бўлган
аёлларни тикувчилик йўналишида ўқишга
йўналтирдим.
Жорий йил 17 нафар фуқарога
имтиёзли кредит учун тавсиянома
бердим. “Кичик бизнесни
ривожлантиришни молиявий ва
институционал қўллаб-қувватлаш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги Президент
қарори асосида 2 нафар тадбиркорга
100 миллион сўмдан маблағ олишда
кўмаклашдим.
Улардан бири — Фаррух Мукадов.
Бу фуқаро норасмий иш билан
шуғулланарди. Қизиқишига кўра,
аввал 33 миллион сўм кредит
олди. Хонадонида уй боғча ташкил
этди. Дастлабки йилда 25 нафар
тарбияланувчини қабул қилган. Жорий
йил 100 миллион сўм кредит эвазига
қамров 75 нафарга етди. Шу билан бирга
4 та иш ўрни яратди.
Темур Амиров 14 йилдирки,
хунармандчилик билан шуғулланади.
Дарвоза, темир панжара ясади.
Тадбиркорлигини кенгайтириш учун 33
миллион сўм имтиёзли кредит олди. Бу
орқали 4 та янги иш ўрни пайдо бўлди.
Йилига 150 миллион сўмдан ортиқ
даромад топмоқда.
Боғча ва мактаб ёшидаги
фарзандларимизни сифатли билим
олиши учун ҳудудда давлат мактабгача
таълим ташкилоти ҳамда мактабга
эҳтиёж бор. Чунки маҳаллада давлат
боғчаси, мактаб йўқ.
Маҳаллада тадбиркорликка
қизиқувчилар кўп. Уларга молиявий
ёрдам кўрсатяпмиз. Аммо ер билан
боғлиқ лойиҳалар ижроси тўхтаб
қолмоқда. Шу сабабли маҳаллада
кичик саноат ҳудуди ташкил этиб,
талабгорларга ер берилса, тадбиркорлар
сафи янада кенгайди.
Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий
эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган
оилалар, ишсиз фуқаролар бандлигини
таъминлаш, айниқса ёшлар ва аёлларни
ишга жойлаштириш ҳамда берилаётган
имтиёزلарни аҳолига тўғри ва шаффоф
етказилишига эришяпмиз.

“Аризам рад этилса...”



Акмал НАЗАРОВ,
Марказий банк
департамент бошлиғи:

— Кредит скоринги — бу
сизнинг кредитни тўлай
олиш қобилиятингизни балл
бериш орқали баҳолаш
тизими ҳисобланади. Сизга
бериладиган баллар муддати
ўтган қарздорликнинг мавжуд ёки
йўқлиги, шунингдек, даромадлар,
фаолият тури, ёш ва турмуш
ҳолати каби омилларга боғлиқ.
Агар тизим юқоридаги каби
аризани рад этса, ҳудуддаги
кредит-ахборот таҳлилий
марказининг (71)203-47-47
ишонч рақамига мурожаат
қилган ҳолда муаммони
бартараф этилади. Марказ қайси
банкдан қанча кредит олингани,
скоринг тизими орқали кредит
қарздорлиги, кредит тарихи
ҳамда кредит бўйича қўшимча
маълумотлар олишда амалий
ёрдам кўрсатади.

Помидордан фалон сўмлик даромад тошай десангиз...

Помидорнинг барги сарғайиб,
буришса, кўпчилик намлик
етарли эмас, деб сўғоришни
бошлайди. Аслида витамин ва
минераллар етишмаётган бўлади.



Азот етишмаса, ўсишдан
тўхтайди. Куртаклари қуриydi.
Барг ранги аввал очариб, кейин
сарғаяди. Ҳосил майдалашади.
Фосфор кам бўлса, ўсиш се-
кинлашади, асосий куртаклар
ингичка, барги майда, учи эгилган
бўлиб, бинафша рангга киришни
бошлайди.
Калий етишмовчилиги
белгиларида барг куйгандек
қўринишга келади. Кейин сарғай-
иб, тушади. Хлороз (минерал
моддалар, айниқса, магний ёки
калий етишмаслигидан келиб
чиққан яшил ўсимликлар барги-
нинг сарғайиши ёки оқариши) ёш

баргларга тарқалади. Мева ичида
жигарранг-қора чирик кўринади.
Кальций етишмаса, юқори
барглар сарғаяди. Ёш барглар
деформацияланади, уларда аввал
далоҳида нукта шаклида, кейин
бирлашган ўлик тўқима пайдо
бўлади, ҳосил қирийди.
Мис етишмаса (одатда торфли
тупроқларда), барг оқиб кўри-

нади. Ёш барглар жуда кичик,
катталари заиф бўлади. Гули
ривожланмай тўкилади.
Магний етишмаслиги хлороз-
ни келтириб чиқаради. Баргда
сарик-яшил доғ пайдо бўлади,
кейин кулранг ёки жигарранг
тусга киради. Барги қуриб,
тушади. Мевалари кичик бўлиб,
муддатидан олдин пишади.

Яшиллик ҳовлимни яшнатсин, десангиз...

Иссиқхонада етиштириладиган
кўк сабзавотлардан энг
серҳосили — укроп. Иссиққа
талабчан. Униб чиққунча 20-22
даража ҳарорат зарур. Куёшли
кунда ҳарорат юқоридагига
нисбатан 4-5 даражадан ортиқ
бўлиши мумкин.



Укроп учун ҳавонинг нисбий
намлиги 60-70 фоиз бўлиши
лозим. Ортиқча нам тўпланиши
натижасида ва паст ҳароратда
чириш жараёни бошланади.
Кўкат учун юмшоқ ва азотга бой
унумдор тупроқ керак. Барвақт
етиладиган экинлар тупроққа
талабчан бўлмайди. Бирок улар-
нинг гуркираб ўсиши учун озикли
сўғориш керак.
Бир йиллик ўсимлик бўлиб,
кўклигида ишлатиладиган укроп
уруғи қалин қилиб сепилади. Бир

гектар ерга 20-25 кг. уруғ сарф-
ланади. Тузлашга ишлатиш учун
сийрақроқ экилади ва ҳар гектар
ерга 10-12 кг. уруғ сарфланади.
Укроп уруғи секин униб
чиқади, экилгандан кейин 15-20
кунда кўқара бошлайди. Утоқ
қилиш, эгат орасини юмшатиш
ва бостириб сўғориш йўли билан

парвариш қилинади. Баҳорда
экилгани 2 марта, ёзда экилгани
3-4 марта сўғорилади. Кўклиги-
да ишлатиладиган укроп апрель
ойидан бошлаб, бўйи 10-15 см.
га етганда ўриб олинади. Гектари-
дан 6-8, тузлаш учун ўстирилган-
да 10-12 тоннадан ҳосил олиш
мумкин.



Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, 1 сентябрдан тил сертификатини олишдаги ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИ қоплаб берилади.



Ўзбекистонда Юқори барқарорлик рейтингига эга тадбиркорлик субъектлари сони 8 790 тага етди.



Ўзбекистонликлар Германияга ишга таклиф этилмоқда. ИШ ҲАҚИ — 2400 ЕВРО.

ТАКЛИФ, ТАШАББУС, НАТИЖА

“ЁШЛАРИМИЗ ИШСИЗЛИКДАН КИЙНАЛАРДИ”

МАҲАЛЛАДА 1 221 НАФАР ЁШ РЎЙХАТГА ОЛИНГАН. ЙИЛ БОШИДАГИ ХАТЛОВДА АНИҚЛАНГАН 7 НАФАР ИШСИЗ ЁШ ИШГА ЖОЙЛАНДИ. МЕБЕЛСОЗЛИККА ИХТИСОСЛАШГАНМИЗ.

Маъмуржон ҲОЛИҚОВ, Пастдарғом туманидаги “Қорағуппа” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Президентнинг “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан маҳалла ҳудудидан 5 гектар ер майдони ажратилиб, мебелсозлик кластери ташкил этилган. Ўсиш нуқтамиздан фойдаланиб, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаяпмиз.

Маҳаллада кам таъминланган оилалар деярли қолмади, ёшлар ўртасида ажралишлар, оилавий жанжаллар сезиларли қамайди. Асосийси, ишсизлик муаммоси бартараф этилди. Бу айтишга осон, аммо кишлоқда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди.

Яқингача ёшларимиз ишсизликдан кийналарди. “Драйвер”имиз ҳисобига муаммога ечим топдик. Ишсиз ёшларни усталарга шогирдликка бердик. Кўп ўтмай, мебелсозлик оммавий тус олди. Шу тариқа ҳар бир хонадонда мебел ясаш йўлга қўйилди. Ҳозир маҳаллада 70 дан ортиқ мебел ясовчи уста бор. Улар 5-10 нафардан ёшга касб сирини ўргатмоқда.

Мебелсозлик кластери ташкил этилгач, уй шароитида кичик устакхонадаги фаолият ишлаб чиқариш цехларига айланди. Бу — ёшларимизнинг тадбиркорликка қизиқишини ошириб, даромади орттиришга хизмат қилмоқда. Ёш тадбиркорлардан бири — Рифат Қаршиев. 26 ёшда бўлса-да, 10 нафар тенгдошини иш билан таъминлаган. Қарийб 10 йилдан буён мебел ясайди. Буюртма асосида тайёрланадиган

10 турдан ортиқ бежирим мебеллар вилоятимиздан ташқари пойтахт бозорларидан ўрин олган.

У дастлаб бозорда мебел савдоси билан шуғулланган. Кейин ўзи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хомашёни маҳаллий бозордан, қоплама матоларни Хитойдан олади.

“Шаҳриёр Элёр Абдувахоб” оилавий корхонаси раҳбари Шаҳриёр Қодиров ёш бўлса-да, уч нафар шогирди билан бирга ҳафтасига 2-3 та сифатли мебел жиҳозлари ясайди. Унга фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик.

У ҳам дастлаб, маҳалладаги мебелчи усталарга 2 йил шогирд тушган. Кейинчалик уйдаги омборхонада укаси ва ўртоғи билан мустақил иш бошлаган. Ҳозир ясаётган буюмлари хориж мебеллари билан рақобатлаша олади.

Мебелсозлик кластери ташкил этилгач, уй шароитида кичик устакхонадаги фаолият ишлаб чиқариш цехларига айланди.

Яна бир ёш тадбиркор Равшан Бахриддиновга “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, 100 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада иш кўлами кенгайиб, 5 та янги иш ўрни яратилди.

Ёшлар фикрини ўрганганимда, маҳаллага кутубхона кераклигини аниқладим. Агар замонавий ахборот-ресурс маркази қуриб берилса, йигит-



қизларнинг китобга, мутолаага қизиқиши ортади. Турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун шароит яратилади.

Бундан ташқари, “драйвер”имизни ривожлантиришда табиий газ ва электр таъминоти узлуксизлиги жуда муҳим. Шу боис, туман ва вилоят ҳокимлигидан кичик саноат ҳудудига алоҳида электр тармоғи тортиб беришни сўраганмиз. Таклифимизни мутахассислар маъқуллаган.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТАКЛИФИ

“Ваколатимиз, имкониятимиз чекланган”

Абдужаббор МАЪҚУЛОВ, Қосонсой туманидаги “Булоқбоши” маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Хизмат вазифамиз бўйича уйма-уй кириб, ёшлар билан суҳбатлашамиз. Уларни қийнаётган муаммо ва таклифларини ўрганамиз. Ёчимиз устида ишлаймиз. Аммо баъзи масалаларни ҳал этишга ваколатимиз, имкониятимиз чекланган. Масалан, йигит-қизларни спорт билан шуғулланишга тарғиб этишга биров хижолат бўламан. Чунки ҳудудда замонавий спорт майдони йўқ. Мавжуд ўйингоҳни сел оқизиб, таъмирталаб ҳолга келди. 26-умумтаълим мактабида спорт залидан фойдаланиш учун ҳар сафар директордан рухсат олиш лозим. Рози бўлса, яхши, акс ҳолда барча тадбирлар тўхтаб қолади. Ёшлар маҳалла гузариги, спорт майдони қуриб беришни сўрашмоқда.



“IT” соҳасига қизиқувчилар кўп. Шу йўналишда ўқув курси ташкил этилса, жорий йил Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаган Руслан Орифжонов бепул машғулот ўтиш таклифини билдирди.



“Спорт майдони ва кутубхона керак”

Мўминжон УМАРАЛИЕВ, Мингбулоқ туманидаги “Қўғаликўл” маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Ёшлар билан ишлаш учун йилдан-йилга шароитлар яхшиланиб бормоқда. Масалан, хорижий тилларни ўрганиш истагидаги йигит-қизлар уйдан чиқмай “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси асосида билим олиши, “Беш ташаббус олимпиадаси” орқали нафақат спорт, балки касб танловларида маҳоратини синовдан ўтказиши мумкин.

Биз бу имкониятдан самарали фойдаланаяпмиз. Йил бошидаги хатловда ҳудудимизда яшовчи 1 100 нафар ёшнинг 9 нафари ишсиз сифатида рўйхатга олинганди. Ўтган давр мобайнида 7 нафарига узоқ мuddат фойдаланиш учун ер ажратилди.

Аммо соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган айрим камчиликларга ечим топиш керак. Масалан, маҳалладаги иккита кишлоқда спорт майдони йўқ. Тезирмон кишлоғидаги спорт майдони хусусий тадбиркорга тегишли. Бу ерда фақат тадбирлар ўтказиш мумкин. Уччала кишлоққа кутубхона керак.

24-умумтаълим мактабининг спорт зали таъмирталаб ҳолга келиб қолган. 5-6 йилдан бери фойдаланилмай турибди. Уни таъмирлаб берилса, ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланади. 46-умумтаълим мактаби спорт залга эга эмас.

Маҳаллада “IT” соҳасига қизиқувчилар кўп. Шу йўналишда ўқув курси ташкил этилса, жорий йил Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаган Руслан Орифжонов бепул машғулот ўтиш таклифини билдирди.

Масалан, йигит-қизларни спорт билан шуғулланишга тарғиб этишга биров хижолат бўламан. Чунки ҳудудда замонавий спорт майдони йўқ.

КУН САВОЛИ

Шоҳиста РАСУЛОВА, Янгиҳаёт туманидаги “Ёрқинҳаёт” маҳалласи:

— Тикувчилик йўналишида шогирд сифатида касб-хунар эгаллаганман. Айтишларича, “Беш ташаббус олимпиадаси”да 2023 йилдан бошлаб касблар танлови ўтказиш йўлга қўйилган. Мен ҳам иштирок этишим мумкинми? Танлов қайси йўналишларда ташкил этилади?

КАСБЛАР ТАНЛОВИ ҚАЙСИ ЙўНАЛИШДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, “Беш ташаббус олимпиадаси” нафақат спорт, таълим, интеллектуал ўйинлар балки, касблар бўйича истеъдод эгаларига майдон яратган.

Бу йилги касблар танлови “Мен келажакман” шiori остида 15-20 август кунлари бўлиб ўтмоқда. Жараёнда мамлакатимизнинг 9 452 та маҳалласида яшовчи ёшлар ўз билимини саралаш босқичида синовдан ўтказмоқда.

Танлов ёш қурувчи (сувоқчи), ди-зайнерлик (тикувчи), электромонтаж, новвойлик ва пайвандлаш йўналишларида ташкил этилади.

Республика финал босқичида 1-ўрин соҳиблари 2025 йилда Тайванда ўтказиладиган “Worldskills Asia-2025” халқаро касблар мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кирилади. Бу нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам юксак эътирофга сазовор бўлиш имконияти!

Сиз ҳам иштирок этиб, истеъдодингизни синовдан ўтказсангиз бўлади. Бунинг учун www.5tashabbus.uz сайти орқали рўйхатдан ўтишингиз керак.

НОРАСМИЙ банд бўлганлар ИШСИЗ ҲИСОБЛАНАДИМИ?



Нуриддин ҚОЗОҚБОЕВ, Сардоба туманидаги “Дўстлик” маҳалласи:

— Бир неча йилдан бери устачилик билан шуғулланаман. Меҳнатим ортидан даромад топаман. Лекин расмий банд эмасман, даромадимдан солиқ тўламайман. Шу вазиятда ишсиз, сифатида “Ёшлар дафтари”га киритиламанми?

Ҳайитбой ИСКАНДАРОВА, Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими:

Конунчиликка кўра, норасмий банд бўлганлар ишсиз ҳисобланмайди. “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорида ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга ёҳуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан

ўтишга, малакасини оширишга тайёр бўлган йигит-қизлар ишсиз ёшлар экани белгиланган. Шунингдек, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли ёшлар ишсиз, деб эътироф этилади.

Бу вазиятда “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинмайсиз. Балки ёшлар етакчиси тавсияси билан “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, расман банд фуқарога айланишингиз мумкин.

Қарорда маҳаллаларда умумий қурилиш ишлари билан норасмий шуғулланаётган жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий давлатларда қурилиш соҳасида ишлаб, Ўзбекистон Республикасига қайтган фуқароларга яқка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган субсидияларни олишда имтиёз яратилган.

БИЛАСИЗМИ?



АҚШ Давлат департаментининг хабар беришича, АҚШ бизнеслари Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган бозорига киришга интилмоқда.



Тезюрар поездлар тарифлари БОЗОР ТАМОЙИЛИ асосида тартибга солинади.



“Марказий Осиё цивилизациясини ўрганамиз” ТУРИСТИК ПАКЕТИ концепцияси ишлаб чиқилди.

6

№48 | 2024 йил 17 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

СИЗ УЧУН МУҲИМ

СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИ ТАҚДИМ ЭТМАГАНГА ҚАНДАЙ ЖАЗО БОР?



Корхона қатъий белгиланган турдаги солиқ тўловчи ҳисобланса, фақат жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ ҳисоботларни тақдим этади.

СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАҚДИМ ЭТМАСЛИК ВА СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАМАГАНЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР БОР? БУ БОРАДА ҚОНУНЧИЛИКДА ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН? БУГУНГИ КУНДА ТАДБИРКОРЛАРНИ КЎПРОК АНА ШУНДАЙ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ОЛИШ КИЗИҚТИРМОҚДА. ШУ БОИС БУ ҲАҚДА БАТАФСИАЛ МАЪЛУМОТ БЕРИБ ЎТАМИЗ.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси иккинчи қисмида корхона ҳисоботни ўз вақтида топширмагани учун мансabdор шахс, яъни раҳбари базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари (3 млн. 400 минг сўм), якка тартибдаги тадбиркор эса уч баравари (1 млн. 20 минг сўм) миқдорида жаримага тортилиши белгиланган. Агар корхона солиқ ҳисоботи топширганидан сўнг солиқни тўлаш учун тўлов топшириқномасини ўзи хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-модда бешинчи қисмига кўра, мансabdор шахс ҳам, ЯТТ ҳам базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима тўлайди. Корхона биринчи мартаба ҳисоботни

кечиктириб тақдим этганда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси ўн биринчи қисмига кўра, 30 кун ичида бартараф этса жарима белгиланмайди. Агар иккинчи мартаба ҳисобот топширишни кечиктирса, жарима қўлланилади. Шунингдек, корхона фаол ишлаб турган даври учун ҳисобот топшириш мажбуриятига эга. Корхона Давлат хизматлари марказидан айланмадан олинadиган солиқ тўловчи ёки қўшилган қиймат солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳисоботларни топшириш мажбуриятига эга бўлади. Корхона қатъий белгиланган турдаги солиқ тўловчи ҳисобланса, фақат жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ ҳисоботларни тақдим этади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда корхона фаолияти фаол бўлиб ишлаб турган даврининг ҳар бир даври учун солиқ турларини алоҳида топшириши белгилаб қўйилган. Бирор солиқ тури тақдим этилмаса ҳам жарима чиқади. Маъмурий жарима қўлланилгандан сўнг корхонанинг шахсий кабинетига ўша куннинг ўзида “SMS”-хабарнома орқали, яшаш манзилига уч кун ичида почта орқали хабар юборилади. Қўлланилган маъмурий жаримани “Солиқ” мобил иловаси, “пайме” ёки банклардаги “мунис” программаси орқали тўлаш мумкин. Агар корхона ўзига нисбатан қўлланилган жаримани қайси давр ёки нима учун қўлланилганини тушунмаётган бўлса, солиқ идорасига мурожаат қилиб, саволларига жавоб олиши мумкин.

Умид БОБОМУРDOV,
Солиқ қўмитаси давлат солиқ бош инспектори.

ҚўЛЛАНМА

ДАРОМАД ВА ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Ижтимоий тармоқларда солиқ тўловчиларнинг жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини тўлдириш ва жўнатишда хатолик чиқаётгани юзасидан кенг муҳокамалари кузатилади.



Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Хўш, солиқ ҳисоб-китобини тўлдириш ва юборишда хатоликлар келиб чиқмаслиги учун нима қилиш керак? Аввало, мутахассислар бераётган тавсияларга амал қилинг. Ушбу солиқ ҳисоботини тўлдириш тартиби soliq.uz сайтида жойлаштирилган қўлланмада батафсил (мисоллар билан) кўрсатиб берилган.

Хусусан:

- ҳисоб-китоб юридик шахслар томонидан йил бошидан ўсиб борувчи якун билан сўмда тўлдирилиши;
- ҳар бир жисмоний шахс кесимида ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисидаги маълумотида (4-илова) 11-12-устунларда ходимларга ҳисобланган иш ҳақи тарзидаги даромадлар тўлиқ кўрсатилиши;
- 11-устуннинг жами суммаси ҳисоб-китобнинг 011-сатридаги, 12-устуннинг жами суммаси ҳисоб-китобнинг 0110-сатридаги суммага тенг бўлиши шартлиги;
- 13-14-устунларда ҳисобланган даромад солиғи суммаси шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи (ШЖБПҚ) га мажбурий ҳисобланган бадаллар суммасини ўз ичига олган ҳолда акс эттирилиши ва бошқа талаблар келтирилган.

Юқоридагиларга асосан, мазкур солиқ ҳисоботини тўлдиришда қўлланмадан фойдаланинг ва мавзуга оид янгиликларни солиқ органларининг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида кузатиб boring.

“ТАДБИРКОРЛАРГА амалий ЁРДАМ БЕРЯПМИЗ”



МАМЛАКАТИМИЗДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ АҲОЛИГА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ, ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ, ЎЗИ ВА ОИЛАСИНИ ДАРОМАДЛИ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРДИ. МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МЕН КАБИ СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ АНА ШУ НИЯТДАГИ ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИНИ АНИҚЛАБ, УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНЯПМИЗ.

Гулбой ШАЙМАРДОНОВ,
Қизирки туманидаги “Мустақиллик” ва “Истара” маҳаллалари солиқ инспектори.

Иигирма уч йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкин-ки, маҳалла ичига бунчалик чуқур кириб бормагандик. Авваллари битта солиқ ходими 8-9 та маҳалладаги солиқ тўловчилар билан ишлаган бўлса, эндиликда

2-3 та маҳалла билан ишляпмиз. Бу жараёнда “маҳаллабай”, “хонадон-бай” ишлаш тизими самарали ечим бўлапти. Ҳар бир солиқ тўловчи билан учрашиб, уларнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганяпмиз. Тадбиркорликка қизикувчи ёки тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам беряпмиз. Энг муҳими, фуқаролар солиқ

тўлаш учун аввалгидек, 15 километр масофа босиб, туман марказига боришмаяпти. Аксинча, биз, солиқ инспекторлари уларнинг хонадонига бориб, солиқ тўловларни қабул қилгач, чек беряпмиз. Мулоқотлар давомида солиқ тўловчиларга яратилаётган қулайликлардан хабардор этиб, “Soliq” мобил иловасида яратилган имкони-ятлардан фойдаланиш қоидаларини тушунтиряпмиз. Натижада аҳоли ва тадбиркорларнинг ортқича сарсонгар-

СОЛИҚЧИ – ҚЎМАҚЧИ

чилигига ўрин қолмаяпти. Ҳар икки маҳалла ҳам туман марказидан олисда, чекка ҳудудда жойлашган. Солиқ тушумларнинг асосий қисми 1075 та жисмоний шахснинг мол-мулк ва ер солиғи ҳиссасига тўғри келади. Аҳолининг аксарияти деҳқончилик билан шуғуллангани боис бу турдаги солиқ тўловларни ўз вақтида ундириш мушкул. Ҳудудда етарли шароит ва имконият бўлмагани учун бирорта саноат корхонаси йўқ. Айна пайтда “Мустақиллик” ва “Истара” маҳаллаларида 39 та юридик шахс, 36 та якка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил ҳисобида савдо-сотиқ ишлари билан норасмий шуғулланаётган 14 та объект тадбиркорлик субъекти сифатида расмий рўйхатдан ўтказилди. 720 нафар фуқаро келажакда пенсия таъминотини таъминлаш учун томорқа ҳўжалиги, боғдорчилик, тикувчилик, чорва моллари боқиш йўналишларида бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ҳодимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклиги тушунтирилмоқда. Солиқ ҳисоботларини топшириш бўйича ёрдам сўраган тадбиркорларга қўмаклашяпмиз. “Солиқчи – қўмақчи” тамойили асосида ишлашимиз натижасида фуқароларнинг солиқ соҳасидаги ҳуқуқий маданияти ошди. Айнисса, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолаётгани солиқ тўловчиларда рағбат уйғотмоқда. Биз ҳам маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаоли билан биргаликда “Маҳалла бюджети”ни шакллантириш мақсадида мавжуд қарздорликни ундириш ишларини тўғри, ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўряпмиз. Бирок ҳал этилиши зарур бўлган масалалар бор. Масалан, кадастр идоралари фуқароларнинг ер майдони ўлчами ва уй-жой бинолари жойлашуви ҳамда эгаллик ҳуқуқи бўйича маълумотларни янгилashi мақсадга мувофиқ бўлади.

ЖАРАЁН

“СОЯ”ДАН

ШАФФОФ БИЗНЕС САРИ

Ўзбекистонда яқин вақтгача “соя”да бўлиб келган такси хизмати соҳасида янгилашши юз бермоқда. Бугунги кунга қадар Солиқ қўмитаси иқтисодиётнинг ушбу тармоғини қонунийлаштириш бўйича салмоқли натижаларга эришди.


Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Тахлилларга қарайдиган бўлсак, апрель ойида 6 та такси хизмат кўрсатувчи солиқ органларининг ахборот тизимлари билан бириктирилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 142 тани ташкил этмоқда. Йил бошидан 15 августгача хизмат кўрсатувчилар орқали 166 млн.дан ортиқ қатнов учун 3 трлн. сўмлик фискал чек берилди. 1 март ҳолатига (18,3 млн. қатнов) таққослаганда қатновлар сони 9 баробарга ортган. Аввал норасмий ишлаб келган ярим миллион нафардан ортиқ фуқаро (576,1 минг) йўловчи ташиш соҳасида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида расман рўйхатдан ўтган. Улардан 361 минг нафардан зиёди хизмат кўрсатувчиларчи орқали хизмат кўрсатди. Бу март ойидаги кўрсаткичларга нисбатан икки баробар кўп.

Тўловларни фискаллаштириш ўзини ўзи банд қилган ҳайдовчиларнинг даромадлари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Уларнинг даромади қуйидагича тақсимланган:

125,6 минг нафари – 1 млн. сўмгача;
104 минг нафари – 1-5 млн. сўм;
45,3 минг нафари – 5-10 млн. сўм;
78 минг нафари – 10-50 млн. сўм;
7,6 минг нафари – 50-100 млн. сўм.
171 нафар ҳайдовчининг даромади 100 млн. сўмдан ошган.

Бу рақамлар норасмий бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин шакллари билан легаллаштиришнинг натижаларини яққол кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, такси бозорида яширин айланмалар улushiни камайтириш – бу ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳуқуқлари қонуни билан ҳимояланган адолатли ва шаффоф бозорни яратиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.





Тўлиқсиз иш вақти шароитларида ишлаш тўғрисидаги КОНВЕНЦИЯ РАТИФИКАЦИЯ қилинади.



Ўзбекистон космик фазони тадқиқ қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАга қўшилади.



Ўзбек кинорежиссёри Музаффархон Эркинов “Пуанкаре” фильми учун Европада “ФАХРИЙ АКАДЕМИК” унвонига сазовор бўлди.

ЖАРАЁН

Маҳалла кўчаларида ВИДЕОКУЗАТУВ КАМЕРАЛАРИ КўПАЙТИРИЛАДИ

Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, генерал-майор Бекмурод Абдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳоли муаммоларига самарали ечим топиш, маҳаллаларни рақамлаштириш борасида ички ишлар органлари ходимлари амалга оширган ишларнинг ўрнини ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича Наманган вилоятида бўлди.

ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ахборот хизмати.

Ишчи гуруҳ вакиллари дастлаб Наманган вилояти ИИБ ЖХХ ИХХБ ходимлари иштирокида тонгги йўриқнома ўтказди. Унда инспекторларга хизмат давомида ваколатдан четга чиқмаслик, соҳага доир қонун, қарор ва фармонларни доимий ўзлаштириб бориш, ўз устида тинимсиз ишлаш, фуқаролар билан мулоқотда қонун доирасида иш олиб бориши бўйича огоҳлантирилди. Шундан сўнг саф кўриги ўтказилди. Саф кўриги давомида хизмат автомашинасининг соғлиги, хизмат кийимини кийиш тартиби ва озодалиги, хизмат гувоҳномаси ҳамда

бошқа тегишли ҳужжатлари текширилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ходимларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўрганишлар давомида Наманган шаҳридаги “Оби-ҳаёт” маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилган “Ҳуқуқ-тартибот маскани”нинг лойиҳаси кўздан кечирилиб, дастлабки пойдевори қўйилди. Чуст ва Тўрақўрғон туманларида жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди. Тўрақўрғон тумани ИИБ Навбатчилик қисми фаолияти ҳам ўрганилиб, видеокузатув камераларининг ишлаш жараёни ва уларнинг хизмат давомида бераётган самараси би-

лан яқиндан танишилди.

Наманган шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган йиғилишда ёшлар, хотин-қизлар орасидаги жиноятларнинг олдини олиш, профилактик тадбирларни ташкил этиш, транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, “хавфсиз бозор” ва маҳалла тамойили асосида ҳудудларни рақамлаштириш бўйича масалалар муҳокама қилинди. Маҳаллаларда содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича “маҳалла еттилиги” томонидан етарлича иш ташкил этилмагани эътироз остига олиниб, тарғибот тадбирларини кўпайтириш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Наманган туманидаги “Равнақ”, “Бешкапа” ҳамда “Чағир” маҳаллаларида бўлиб, ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Даставвал, маҳаллалардаги “маҳалла еттилиги” ходимлари билан суҳбат ўтказилди. “Хавфсиз ҳудуд ва мулкий турдаги жиноятлар профилактикаси ойлйги” доирасида махсус профилактик тадбирларни кучайтириш, савдо дўконлари, жамоат жойлари ва маҳалла кўчаларида видеокузатув камераларини кўпайтириш бўйича масъулларга вазифа топширилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Бобур ПЎЛАТОВ. Андихон шаҳри:

— Автомашинани бир танишимнинг пулини бир ойда бераман”, деган ваъдасига ишониб, нотариус орқали унинг номига ўтказиб бергандим. Аммо орадан олти ой ўтса-да, пулдан дарак йўқ. Ўртадаги бу келишувимиз видеотасвирга олинган ҳамда икки нафар гувоҳ бор. Айни вазиятда ҳаққимни ундириш учун судга мурожаат қилсам бўладими?

ПУЛИМНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТАРИБ ОЛИШИМ МУМКИН?



Нурилло ШАМСИДДИНОВ, Андихон вилояти суди судьяси:

— Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, ҳар қандай манфатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли. Шу сабабли сиз ушбу даъво талабингиз бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз. Сизнинг келтирган ваъдаларингиз суд муҳокамаси даврида судья томонидан муҳокама қилинади ва важларингиз атрофича ўрганилиб, қонуний ҳулосага келинади.



“Жиноятчиликни жilовлашда МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ ЗАРУР”

Хар куни эрта тонгдан ҳудудни бир айланиб, кейин маҳалла идорасига бораман. Бу ерда йнгни ранси билан кунлик иш режани келишиб, фаолиятимни давом эттираман.

Нодир МИРЗОИТОВ, Юнусобод туманидаги “Аҳлибод” маҳалласи профилактика инспектори.

Бир йил олдин ушбу маҳаллада иш бошлаганимда, ўғрилиқ, фирибгарлик жиноятлари кўп эди. Ўғриларнинг асосий ўлжаси йўлақларда қолдирилган велосипед ва болалар аравачаси бўлган. Шу боис, “маҳалла еттили-

ги” билан жиноятчиликни жilовлаш мақсадида уйма-уй юриб, тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бордик. Фирибгарликларнинг янги турларидан хабардор этиб, унинг олдини олиш бўйича қўлланмалар бердик.

Аксариyat жиноятлар тунги вақтда содир бўлишини инобатга олиб, ички кўчаларга тунги ёриткич чироклари ўрнатдик. Ҳудудни тўлиқ назорат қилиб туриш учун жамоат жойлари, аҳоли гавжум маскан-

лар, хусусан, мактаб, боғча, савдо дўконлари ҳамда чорраҳа, барча кириш-чиқиш йўлларига замонавий кузатув камералари қўйдик. Хизмат хонамга бирлаштирилган ушбу қурилмалар ёрдамида ҳар қандай вазиятда маҳалла ҳудудини тўлиқ назорат қилиб бораман. Натижада турли жиноятлар содир этилишининг олди олинмоқда.

Мунтазам тунги текширув тадбирлари ташкил этиб бораёмиз. Бу жараёнда бизга, миллий гвардия,

патруль-пост, йўл-ҳаракати хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар ходимлари кўмаклашмоқда. Яқинда навбатдаги тадбирларимиз давомида 18-30 ёшли йигитлар бўлган автомобиль тўхтатилиб текширилганда мижозларга тарқатилиши керак бўлган кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддалари борлиги аниқланди.

Тунги вақтларда кўчаларда бемақсад юрган вояга етмаган ёшларга алоҳида эътибор қаратил-

суд ҳукми

Кулай ва жозибали шартларнинг МИСИ ЧИҚДИ

Янги турар жой олиш ниятида маблаг йиғиб юрган Лола пойтахтнинг турли туманларида қурилиб, сотилаётган хонадон ва уйлар сотувни ҳақидаги реклама ва эълонларни кузатиб борарди. Бироқ орзусидаги уйга етганиш учун пулш камлик қилаётганли. 2022 йилининг декабрь ойида интернет тармоғидаги навбатдаги эълонларни кузатиб ўтираркан, қизқариб эълонга кўзи тушди.

Нилуфар ИСОХОНОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

Унда ёзилишича, фирма мижоз харид қилмоқчи бўлган кўчмас мулкни сотиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунинг учун мижоз хонадон умумий қийматининг 25 фоизини фирманинг ҳисобрақамига ўтказиши ва 4 фоиз хизмат ҳақи тўлаши, тўлов ўтгандан

сўнг икки ҳафта ичида сотиб олинган уй қалити мижозга топширилиши, кейин мазкур уйни гаровга қўйиш орқали банкдан йиллик 12 фоизли кредит расмийлаштирилиши баён этилганди. Лола ишониб-ишонмай, кўрсатилган фирмага кўнғирок қилди. Ўзини Баҳодир деб таништирган йигитдан эълондаги сўзлар ростми, деб сўради.

— Нимага ишонмаяпсиз? Буз туфайли кўплаб мижозлар ўзлари истоган уй эгаларига айланди,

— деди у сўзларига урғу бериб. — Ишонмасангиз офисимизга келинг ва мижозларимиз билдирган миннатдорлик сўзлари билан танишинг, — деди овозини баландлатиб йигит.

Лола бу сўзлардан сўнг ўзини ноқулай ҳис қилиб, гўёки айбини ювмоқчи бўлгандек, офис манзилини сўради. Йигитнинг овози мулоимлашиб, манзилни айтаркан, жойлашувини юборишга ваъда берди.

Эртаси куни Лола манзилга борди. Муҳташам бинога осилган лавҳа унда ишонч уйотди. Лола биринчи қаватда жойлашган офис ичкарисига кирди: ичкари озода ва шинамгина эди. Унинг олдида маъмуриятдан бир қиз келиб, ташриф боисини сўради ва учрашиши керак бўлган хона рақамини айтди.

Хонада икки нафар ёш ходим

бўлиб, улардан бири Лолага ўтиришни таклиф қилди. Улар ўзларини Ниёз ва Шухрат деб таништирди. Ниёз уй олиш шартлари ҳақида гапираркан, бу ишда йўқотиш золь физ эканлиги, иш ҳалоллик ва яна ҳалоллик асосида юритилишини бир неча бор такрорлади. У сўзларини исботи сифатида шартномалар билан тўла жилдларга ишора қиларкан, улар мижозларнинг раҳматномалари эканлигини таъкидлади.

Бу орада бир неча кўнғироклар уларнинг суҳбатини бўлар, телефонни кўтарган Шухрат ёки Ниёз узор сўраб, хонадан чиқмай, навбатдаги мижозга уй қалитини топшириш санасини айтиб, чиройли сўзлар билан табриклар эди. Лоланинг шубҳа-ғумонлари тарқаб кетди. Мамнун ҳолда ўзи оломқчи

бўлган уй манзилини ва нархини айтди. Шу заҳотиёқ шартнома тўлдирилиб, имзолар қўйилди, муҳрлар босилди.

Лола уч кунлик муҳлат ичида фирма ҳисобрақамига хонадон нархининг 25 фоизи ҳамда кўрсатилган хизмат учун 4 фоиз пул тўлаши керак эди. У шартларни бажариб, кейинги жараён — банкка бориб кредит расмийлаштириш кунини кута бошлади. Бироқ ҳар сафар бу иш Ниёз ва Шухрат томонидан ортга сурилaverди.

Вақт ўтиб Лола чув тушганини англади ва ички ишлар идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Тергов давомида жабрдийда биригина Лола эмас, яна беш киши фирибгарларнинг тузоғига илингани фош бўлди. Уддабурон қаллоблар соддадил

инсонлардан 1 397 932 330 сўм пуллари олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган эди.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди 38 ёшли Баҳодир, 30 ёшли Шухрат ва 26 ёшли Ниёзларни Жиноят Кодексининг 168-моддаси (“Фирибгарлик”) билан айбли деб топди. Баҳодир 8 йил 6 ой, Шухрат 8 йил 3 ой ва Ниёз 8 йил 1 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.

Ҳурматли фуқаролар! Енгил ва жозибали тақлифлардан эҳтиёт бўлинг! Фирибгарлар содда, ишонувчан фуқароларни чув тушириш мақсадида, ҳар қандай айёрлик ва риёкорликдан усталик билан фойдаланиб, пешона тери билан топган пулларингизни ўзлаштиришга ҳаракат қилишади. Огоҳ бўлинг!



Ўзбекистон кубогининг ярим финалида “Андижон” – “Сурхон”, “Пахтакор” – “Навбахор” клублари ўзаро рақобатлашади.



Тошкентнинг «Хумо» жамоаси ҳоккей бўйича ЕВРОСИЁ ДЎСТЛИК КУБОГИни ғалаба билан бошлади.



Португалияда ўтказилаётган Халқаро теннис федерациясининг нуфузли турнирида ҲУМОЮН СУЛТОНОВ чорак финалга чиқди.

8

№48 | 2024 йил 17 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

МЕНДА САВОЛ БОР...

Гулшод НОРОВА,
Жондор тумани:

— Яқинда танишим тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида кредит олиш учун банкка мурожаат қилди. Лекин бу бизнес эркакларга кўпроқ мос келади, деган мазмунда рад жавоби берилди. Банкнинг бу ҳаракати қонунийми?

БАНКНИНГ ҲАРАКАТИ ҚОНУНИЙМИ?



Абробек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” НТТ ҳуқуқшуноси:

— Йўқ, қонуний эмас. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунга кўра, давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлилиқни кафолатлайди.

Хотин-қизлар ва эркаклар жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга.

Давлат органлари ва мулк шаклидан қатъи назар ташкилот раҳбарлари жамиятнинг иқтисодий ресурсларидан, шу жумладан кўчар ва кўчмас мол-мулк, ер, моливий активлар, кредитлар, ижтимоий жамғармалардан, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг эркин танланган турларидан хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг фойдаланишини таъминлаши шарт.

“Эҳтиёжмандларнинг ЭҲТИЁЖИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА”

Дастлабки иш фаолиятимизда “хонадонбай” юриб, ҳар бир эҳтиёжманд фуқаронинг ҳолатини ўрганиб, уларни 12 та тоифа бўйича “Ижтимоий ҳимоя миллий ахборот тизими”га киритдик. Ўзим фаолият олиб бораётган Алишер Навоий ва Фурқат номидаги маҳаллалардан 295 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро рўйхатга олинди. Ҳар икки маҳаллада ногиронлиги бўлган шахслар 134 нафарни ташкил этмоқда. 18 ёшгача бола нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар сони – 97 нафар.

Ҳозир ушбу тоифадаги шахслар билан манзилли ишлаяпмиз. Аввалига бола нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар билан ишлашда бироз қийинчиликларга дуч келдик. Чунки соғлом, лекин ишсиз оилаларнинг аксарияти шу икки тоифадаги моддий нафақа пулига суюниб қолишган. Шу боис улар “маҳалла еттилиги” кўмагида бандлиги таъминланди. Аксарият фуқаролар ҳоким ёрдамчиси томонидан касбга йўналтирилиб, “Ишга марҳамат” мономарказида ўқитилиб, уларга сертификат асосида имтиёзли кредит, субсидиялар берилди. Аксарияти касб ўрганиб, бандлиги таъминланди.

“Хонадонбай” ўрганишлар давомида саратон касаллигига чалинган бир фуқаро тикувчиликка қизиқишини, имкон бўлса, тикув машинаси олиб беришимизни сўради. Ҳомийлар ёрдамида унга замонавий тикув машинаси олиб берилгач, фуқаро ўз бандлигини таъминлаб, қўшимча даромад топа бошлади ҳамда қисман бўлса-да касаллигини унутди.

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи икки нафар кекса ёшдаги фуқарога ижтимоий ходим ассистентлари бириктирилди. Ассистентлар ҳафтада икки кун келиб, ушбу фуқароларнинг зарур юмушларини бажаради. Қолган кунлари ўзимиз ёрдамлашиб, зарур нарсалар керак бўлса, етказиб берамиз. Маҳалла ички имконияти ҳамда ҳомийлар кўмагида озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаймиз.

Ногиронлиги бор шахсларга Тиббий ижтимоий эксперт комиссия хулосасига асосан, зарур тиббий буюмларнинг тўғридан-тўғри “Uzum Market” онлайн савдо дўкони орқали харид қилиниши қатор қулайликларни яратмоқда. Хусусан, харид қилинаётган ҳар бир буюм эҳтиёжманд фуқаро иштирокида танланмоқда. Энг муҳими, ушбу протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация техник воситалари аввалгидек бир йиллаб эмас, балки бир-икки кунда ўз эгасига етказиб берилмоқда. Жумладан, уч нафар ногиронлиги бор шахсга ногиронлик арава-часи, яна бирига қўлтиқтаёқ, кўзи ожиз фуқарога кўзи ожизлар ҳассаси олиб берилди. Умуртқа поғанасида муаммоси бор фуқаро қорсет, яна бир бемор кўкрак протези билан таъминланди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ҳамда тушиб қолиш хавфи бўлган фуқароларга “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида бирламчи кийим-кечаклар, ижара ҳақи, даволаниш ва дори-дармон харажатлари ҳамда уй-жой таъмирлаш учун зарур маблағлар



Аксарият фуқаролар ҳоким ёрдамчиси томонидан касбга йўналтирилиб, “Ишга марҳамат” мономарказида ўқитилиб, уларга сертификат асосида имтиёзли кредит, субсидиялар берилди.

“Саховат ва кўмак” жамғармасидан ажратилмоқда.

Бундан ташқари, 12 та тоифага киритилган фуқароларга соғломлаштириш марказлари ва сиҳаттоҳларга йўланма берилиб, зарур ҳолларда уларга ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хорижга узоқ муддат ишлаш учун кетган оила фарзандлари ҳамда ота-она қара-

моғисиз қолган вояга етмаган болалар доимий назоратимизда. Зарур ҳолатларда уларни ҳомийлик ва васийликка олиш ишларини амалга ошириш ҳам бевосита зиммасизга юклатилган. Мақсадимиз, оғир аҳволга тушиб қолган ёки тушиб қолган эҳтиёмли бўлган ҳамда эътибордан четда қолаётган ҳақиқий эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашдир.

ТАЖРИБА

Миграциядан қайтган аёл ТАДБИРКОРГА АЙЛАНДИ



Пинсон чини дилдан истаса, барча ниятига етади. Маҳаллада яшовчи Дурдона Юнусалиева ҳаёт йўли бунга эркин мисол. Икки йил аввал шпизиз, хорижда сарсону сарғардон юрган Дурдона бугун йирик тадбиркорга айланди. Тирикчилик ташвиши билан боғланган о.д.ний меҳнат даромадли фаолиятг туғини олди. Бу патижага эришиш осон бўлмади.

Оила қургач, рўзғор юкини енгиллатиш учун турмуш ўртоғига елка тутди. Аммо тайинли касб-хунари йўқлиги учун бири икки бўлмади.

Ноилж ишлаш мақсадида хорижга отланди. Ресторанда фаррошлик қилди, кўп қаватли уйлarning йўлакларини тозалади. Шу зайдла тўрт йил ўтди. 2021 йил оила учун оғир келди. Саломатлиги-

Мавжуда ЮНУСАЛИЕВА,
Боғдод туманидаги
“Матқулбод” маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

ни йўқотгач, ватанга қайтишга мажбур бўлди.

У билан суҳбатлашганимизда пиширик пиширишга қизиқишини аниқладим. “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурига мувофиқ имтиёзли кредит тақдим этилди. Маҳалла кўмагида унга замонавий бино ажратилиб, 6 ойлик ижара тўлови тўлаб берилди. Бир вақтда 300 тага яқин сомса ва бошқа пиширикларни пишира оладиган печ ҳамда жижозлар тақдим этилди. Натижада миқозлари кўпайиб, тадбиркорлиги ривожланди. Бугун 8 нафар аёлнинг бандлигини таъминлаган. Ойлик соф даромади 30 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Хотин-қизлар муаммосини ҳал этиш, амалий ёрдам бериш натижасида ҳаётини йўлга қўйиб олган бу каби тақдирлар кўп. Уларга имтиёзли кредит, субсидия ажратиш орқали кўмак кўрсатяпмиз. 15 нафар хотин-қиз касб-хунари курсларига йўналтирилди.

ҚУЛАЙЛИК

“Замонавий протез жуда қулай ва енгил”

Шофиркорлик Мансур ака Аъзамов ҳозир 65 ёшда. Узоқ йиллар давомида қуришни соҳасида ишлаган. 2010 йилда олган жароҳати натижасида бир оёғидан айрилган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Бухоро вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Ташқунликка тушиб қолган Мансур акага 4 фарзанди, оиласи, қолаверса, Мирзоқул номидаги маҳалласи вакиллари кўмакчи бўлиб, уни оёққа туриши учун далда бўлишди. Муаммолари “еттилик” вакиллари-нинг эътиборида. Яқинда у кишига “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази янги ва замонавий протез олиб берди.

— Бу протез жуда қулай ва енгил, — дейди Мансур Аъзамов. — Худди ўз оёғимдек. Протез олганимдан кейин ҳаракатланишим, ишга бориб-келишим анча осон бўлди. Ҳозирда бемалол дарахтларни парваришлайман, автомашина, велосипед ҳайдайман. Ўзимни ҳеч



кимдан кам ҳисобламайман.

Мансур аканинг меҳнаткашлигига ҳавас қилмай илож йўқ. Айна дамда тумандаги Мусика ва санъат мактабида уста-сантехник сифатида ишлаб келаётган қаҳрамонимиз устахонасида чолғуларни созлаш, чилангарлик, дурадгорлик билан ҳам шуғулланади.

Яқинда у кишига “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази янги ва замонавий протез олиб берди.

ЯНГИЛИК ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДАН БЕПУЛ ҲОЙДАЛАНАДИ



Олий мажлис сессиянинг 55-ялпи мажлисида “Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрым қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги зиммасига дафн этиш нафақасини бериш вазифасини юклаш, унинг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилаш, фуқаролик ишлари ва маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод этиш тақлиф этилган. Қонунга кўра, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши учун даволаш муассасасининг хулосаси талаб этилмайди.

Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Қолаверса, улар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган ID-карта ёки биометрик паспортини алмаштиришда давлат божини тўлашдан озод қилинади. Уларга ҳомийлик қилиш учун йўналтирилган маблағлар солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритилади. Қонунни сенаторлар маъқуллади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 6 150 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-820

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.